

Мамлакатимиз Иқтисодиётидаги Стратегик Ўзгаришлар Ва Уларнинг Ҳолати

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Пардаев Обид Мамаюнусович


Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги масъул ходими. ТДИУ мустақил
тадқиқотчиси

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича аниқ вазиялар белгиланган. Муҳими, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, ҳаётдаги хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ҳам алоҳида вазифа қилиб белгиланган. Бугунги кунда глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган инновацион ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш орқали камбағалликни кескин қисқартириш ҳам объектив зарурият эканлиги кўрсатилган. Мамлакатимизнинг барча соҳаларида адолатли қарор топтириш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни кафолатли таъминлаш стратегик мақсад қилиб белгиланган. Кўриниб турибдики, бугунги кунда ушбу стратегик вазифаларни амалга ошириш ўта зарур бўлган йўналишлар сифатида белгиланган. Буларнинг амалиётда бажарилиши ушбу мавзунинг долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. мамлакатимиз иқтисодиётидаги стратегик ўзгаришлар ва уларнинг ҳолатини тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услублардан ва занжирли алмаштириш усулидан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усуллари орқали ёндошув ҳам қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Белгиланган стратегик вазифалар бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Булар таркибида энг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг аҳоли жон бошига ўсиши ҳам таъминланганлигидан ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақда Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йил якунида, аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 29 291 минг сўм (ёки 2 496 АҚШ доллари эквивалентида)ни ташкил этди. Бу бир ойга 2440 сўм (29291/12) ёки 208 АҚШ доллари (2496/12) дегани.

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиянинг биринчи йўналиши **ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратишдан** иборат қилиб белгиланган. Бунинг учун таълим тизими ислоҳ қилиш бўйича 12 та банддан иборат стратегик вазифалар белгиланган. Ушбу бўлимнинг иккинчи йўналиши этиб аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича аниқ ислохотларни амалга оширишнинг стратегик вазифалари 9 та бандда аниқ белгиланган.



«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясининг учинчи йўналиши ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ислохотларга бағишланган. Ушбу бўлимда 8 банддан иборат вазифалар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган. Мазкур бўлимнинг тўртинчи йўналиши бевосита ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт йўналишларидаги ислохотларни такомиллаштиришга бағишланган. Мазкур йўналишда ҳам 8 та стратегик йўналишга эга стратегик вазифалар кўзда тутилган. Мамлакатимизда маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ислохотларни қамраб олган стратегик вазифалар ушбу бўлимнинг бешинчи йўналишида ўз ифодасини топган. Ушбу йўналиш бўйича 7 та стратегик вазифа белгиланган.


«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясининг иккинчи йўналиши **барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга** бағишланган. Ушбу йўналиш куйидагиларни ўзи ичига олади. Жумладан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш масаласи турибди. 2030 йилга бориб, Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш мўлжалланган.

Навбатдаги вазифа, фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш масаласини қамраб олади. Бунда консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиздан ва келгуси йилларда 3 фоиздан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш масаласи ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш, юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқаришни 3,5 баробар, олтин — 1,5 баробар, кумуш — 3 баробар, уран — 3 баробар ошириш масалари ўрин олган.

Навбатдаги стратегик вазифа саноатнинг «драйвер» соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солишдан иборат этиб белгиланган. Ушбу йўналишда саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўринларини яратиш масаласи кўзда тутилган. Шунингдек, тўқимачиликда ип калавани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга етказиш ҳамда юқори сифатли матога талабни қондириш учун 400 минг тонна сунъий ва аралаш тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласи ҳам ушбу бўлимга киритилган.

Мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантиришга бағишланган бўлимда мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан, 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, эркин муомаладаги қимматли қоғозлар савдолари ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш, умумий қиймати 150 миллиард долларлик 500 дан зиёд стратегик аҳамиятига эга бўлган технологик ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ҳам шу даврда амалга оширилади..



Банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш доирасида банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш масаласи қўйилган. Ушбу йўналишда Банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш масаласи ҳам стратегик вазифа сифатида белгиланган.


«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш доирасида қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш билан бирга саноатда «яшил сертификат»лар бозорини ривожлантириш ва «экологик маркировка» амалиётини жорий қилиш каби вазифалар ҳам бажарилади.

Муҳим вазифалардан бири бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун етказиб бериладиган электр энергия миқдорини 120 миллиард кВтга етказиш вазифаси ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, табиий газ қазиб олиш ҳажмини 62 миллиард куб метрга етказиш билан бирга иқтисодиёт тармоқларининг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш масаласи ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Чунки мамлакатимиз аҳолиси, ҳар бир аҳолининг энергия ресурсларига эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш учун Республика ҳудуди орқали транзит юklarини ташиш ҳажмини 16 миллион тоннага етказиш, шимолий йўналишда темирйўл орқали юк ташиш муддатларини 40 фоизга қискартириш, йўловчи ва юк ташиш хизматлари ҳажмини 3 баробар ошириш, электрлашган темирйўллари улушини 65 фоизга етказиш, авиақатновлар сонини 4 баробарга ошириш каби масалалар ҳам мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган стратегик вазифалар қаторидан ўрин олган..

“ЎЗБЕКИСТОН - 2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш масаласи ҳам кўзда тутилган. Хусусан, бир гектардан олинadиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш, аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар белгиланган. Ушбу йўналишда ҳосилдорлик кўрсаткичларини пахта бўйича ўртача 45-50 центнерга, ғалла бўйича — 80-85 центнерга етказиш масаласи ҳам долзарб масала сифатида белгиланган.

Миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш доирасида экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш, шунингдек, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатларига GSP+ ва бошқа тизимлари доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш каби стратегик вазифалар ҳам кўзда тутилган.




Монопол соҳаларни бозор тамойилларига изчил ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш масаласи ҳам ўта долзарб вазифалар қаторида белгиланган. Буни амалга ошириш учун иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхоналар сонини 6 баробарга камайтириш вазифаси белгиланган. Шунингдек, республикада 17 турдаги давлат монополиясини бекор қилиш, ушбу соҳаларга хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат тасарруфида фақат магистрал энергия ва транспорт тармоқлари, давлат бошқаруви ва хавфсизлиги билан боғлиқ соҳаларни сақлаб қолиш масаласи қаралган.

Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий «IT-HUB»га айлантириш боасида бир қанча вазифалар белгиланган. Жумладан, барча аҳоли пунктларини интернет билан тўлиқ қамраб олиш ва унинг тезлигини 10 баробар ошириш, халқаро интернетга уланиш тезлигини 5000 Гбит/с.га етказиш, оптик толали алоқа линиялари ва кенг полосали маълумот узатиш тармоқларининг қамровини 100 фоизга етказиш, IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш, БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингида топ-30 таликка киришга эришишдек муҳим вазифаларни ҳам амалга ошириш масалалари кўда тугилган.

Ўзбекистонда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш доирасида хорижий туристлар сонини 15 миллионга, ички сайёҳлар сонини 25 миллионга, зиёрат туризми бўйича келадиغان туристлар сонини 3 миллион нафарга ошириш масаласи қўйилган. Булардан ташқари хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига республикада 30 та йирик туризм кластерларини ташкил этиш, меҳмон ўринлари сонини камида 2 баробарга ошириш, тоғли ҳудудларда 25 та дор йўллари қуриш, туризм маҳаллалари сонини 175 тага етказишдек муҳим вазифалар ҳам белгиланган. Шунингдек, туризм хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, тиббиёт ва таълим туризми экспортини йилига 1,5 миллиард долларга етказиш билан бирга хорижий туристлар учун барча халқаро аэропортларда республикадан сотиб олинган ва расмийлаштирилган маҳсулотлар учун «Tax free» тизимини жорий этиш каби стратегик вазифалар ҳам белгиланган..

Ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш учун ҳар бир ҳудудда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматлари, IT, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш масаласи ҳам стратегик вазифа сифатида белгиланган. Мазкур вазифалар қаторига шаҳарсозлик лойиҳалари асосида зарурий инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум бўлган қўчаларнинг 233 мингта бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш орқали савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш масаласи ҳам киритилган.

Мамлакатимиз учун муҳим ҳисобланган ҳудудларни комплекс ривожлантириш, урбанизация стратегиясини амалга ошириш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш вазифалари доирасида урбанизация даражасини 51 фоиздан 60



фоизга етказиш чораларини кўриш, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини «миллионлик шаҳарлар»га айлантириш, 300 мингдан кўп бўлган шаҳар ва туманлар сонини 28 тага етказиш, барча аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш вазифалари ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, ҳудудларда 1 миллион хонадонли уй-жойлар куриш, «Янги Ўзбекистон» массивлари сонини 100 тага етказиб, қўшимча 200 мингта оилага мўлжалланган уйларни барпо этиш, республикада камида 140 минг оилага мўлжалланган ижтимоий уйларни барпо этиш масаласи ҳам мамлакатимиз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда устувор вазифа сифатида белгиланган..

Инфратузилма лойиҳаларини барқарор ва узоқ муддатли молиялаштириш манбалари билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда халқаро молия институтлари билан Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш, «Инфратузилма облигациялари»ни чиқариш амалиётини йўлга қўйиш, барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув ва оқова хизматлари билан кафолатли таъминлашнинг молиявий механизмларини жорий қилиш масалари ҳам амалга оширилиши белгиланган.

Мамлакатимизда 2030 йилгача белгиланган стратегик вазифаларга эришиш учун ҳар бир кун, ҳар бир ой ва ҳар бир йил муҳим. Шу 2024 йилда аҳвол қандай кечмоқда, деган саволга жавоб топиш учун шу қисқа вақтда қандай натижаларга эришилаётганлигига эътиборни қаратамиз. Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ҳолати куйидаги рақамларда ўз аксини топмоқда.


Мамлакатимизнинг ЯИМ аҳоли жон бошига 2023 йилда 2022 йил билан солиштирилганда 3,8 % га ўсган¹. Ушбу кўрсаткич бўйича 2024 йил биринчи чорагида эришилган натижаларни 2023 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда масалага анча ойдинлик кириталади.

Шу таҳлил қилинаётган даврда республика Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати – 106,2 %ни ташкил қилган. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми индекси – 106,5 %ни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати – 106,8 %ни ташкил қилган. Шу даврда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ўсиш тенденцияларига эга бўлди. Жумладан, чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръати – 109,3 %ни, бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати – 114,2 %ни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиш суръати – 103,6 %ни ташкил қилган.

Таҳлил даврида мамлакатимизда экспорт ва импорт соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, ташқи савдо айланмаси ўсиш суръати – 106,2 %ни, экспортнинг ўсиш суръати – 110 %ни, импортнинг ўсиш суръати – 103,8 %ни ташкил қилиши ҳам натижанинг қўйилган стратегик вазифага мослигини кўрсатиб турибди.

Буларга эришиш учун албатта фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони ҳам муҳим. Ушбу хўжалик юритувчи субъектлар сони бугунги кунда 469 113 тани

¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yilda-uzbekiston-respulikasid-aholi-jon-boshiga-hisoblangan-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-qanchani-tashkil-etdi>



ташкил қилиши ҳам ижобий кўрсаткичлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Худди шундай транспорт хизматларининг ўсиши ҳам рўй берган. Жумладан, транспортда юк ташишнинг ўсиш суръати – 106,2 %ни, транспортда йўловчи ташишнинг ўсиш суръати – 105 %ни ташкил қилмоқда.

Юқоридаги ютуқларнинг ҳаммаси аҳолининг реал умумий даромадлари ўсишини таъминлаш имкониятини яратган. Хусусан шу даврда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати – 111,5 %ни ташкил қилади. Ушбу ҳолатни ижобий кўрсаткич сифатида баҳолаш учун яна битта асос шу даврда доимий аҳоли сони (2024 йил 1 апрель ҳолатига) – 37 млн кишига етган.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётидаги стратегик ўзгаришлар ва уларнинг ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон 2030 йилга бориб иқтисодий тараққиёти жиҳатидан ва аҳолининг фаровонлигининг даражаси бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига етиши кўзда тутилган. Бунга эришиш учун бир қанча вазифаларни амалга оширишга тўғри келади. Булар, бизнинг фикримизча қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида инновацион иқтисодиётни рақамлаштириш йўли билан ривожлантириш босқичига янада катта эътибор беришни тақозо қилади. Экспортнинг таркибида интеллектуал мулкнинг улушини кўпайтириб бориш ҳам долзарб масалалар сифатида катта эътибор бериб борилиши лозим бўлади.

Иккинчидан, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга ошириш йўлида қилинаётган ишларни янада такомиллаштириб бориш учун мазкур масалага тизимли ёндошувни амалга ошириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда мактабгача, мактаб таълими, ўрта махсус, олий таълим тизимларининг бир-бирига мувофиқлигини таъминлашни тақозо қилади. Кадрларни тегишли йўналишларга бошқаришни мактаб таълимидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга тарбия жараёнига ҳам катта аҳамият беришни тақозо қилади.

Хулоса тарзида таъкидлаш жоизки, ушбу таклифларнинг амалга оширилиши Янги Ўзбекистонни шакллантиришга мўлжалланган «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясида кўзда тутилган халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш вазифаларнинг бажарилшига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. <https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yilda-uzbekiston-respulikasid-aholi-jon-boshiga-hisoblangan-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-qanchani-tashkil-etd>.
3. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
4. Mamayunus Parдаev, Ozoda Parдаeva, Obid Parдаev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. https://www.lap-publishing.com/cover_playgrounds/oiancevskai
5. Пардаев М.Қ. Инсон салоҳияти, инсон капитали ва инновация билан боғлиқ категорияларнинг назарий масалалари. Монография. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2024. - 202 бет.

